


Қайси даврдამиз?



11:00 / 16.11.2023 1653

Кун, ҳафта, ой ва йил; биз қайси даврдამиз? Масалан, ўтган эллик ва кейинги эллик йил билан қиёслаганда бизнинг вақтимиз қандай белгиланади?

Ийсо алайҳиссалом туғилган пайтга асосланиб биз шу йилдамиз, деганларга терс шаклда Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳижратларини асос қилиб, бошқа йилни ҳам айтсак бўлади. Бу саналар биз учун маълум бир даврни акс эттириши мумкин, аммо боши ва охирини белгилаб бўлмайдиган дунё ҳаётининг қаерида эканимизни тушунтириш учун аниқ бир тақвимни кўрсатолмаймиз. Бундай тақвимни кўрсатишнинг имкони йўқ.

Боши ва охирида бўлмаганимиз, боши ва охири ҳақида аниқ маълумотимиз йўқ вақтнинг айнан ўша дамдаги ҳолатини қандай белгилашимиз мумкин? Энг осони ўзимизга тўғри келадиган бир чизиқни чизамиз-да «Ҳозир шу ердამиз», деб қўя қоламиз. Бу назариямиз ҳам ибтидо ва интиҳонинг Яратувчисига нисбатан «ҳеч вақо»дан бошқа нарса бўлолмайди. Бизнингча эса тарих у ёки бу давр деган муболафадан иборат холос.

Бу худди Ер шарининг ўртасини топишнинг тафсилотига ўхшайди.

Думалоқ Ернинг қаерида бўлсангиз ҳам «Ўртаси мана шу жой» деган қарашни қандай нотўғри дейиш мумкин?

Яратувчи учун эса унинг чети ҳам, ўртаси ҳам аниқ.

Бугун бизни ҳар томондан қамраб олган воқеалар ўртасида ўзимизга «Киммиз ва қаердамиз?» ёки «Атрофимизда нима содир бўлмоқда?» деган саволларнинг жавобини ҳам фақат шу тарзда топдик, деб айта оламиз. Биз Аллоҳнинг бандаларимиз. Маълум бир давр учун яратган қулларимиз. Биз воқеалар деб атайдиган нарсаларни устимизда зоҳир эттиришни ирода қилган Раббимизнинг ожиз, лекин шу ҳолатимиз билан иззат кўрган бандаларимиз. Ёки ушбу воқеаларнинг бошланиши деб бир чизиқ чизамиз, ўзимизга хос кўнгил хотиржамлиги билан «Биз мана бу ердамиз, воқеалар эса унинг ичида», деймиз. Бу қарашимиз тарихни белгилаш ёки дунёнинг қоқ марказини аниқлаш деб олинадиган ёки ожиз банда эканимиз, бизни банда ўлароқ яратган Раббимизни эслаб, замон ва макон тушунчалари оша Унинг розилигини топиш мақсади томон кетаётиб ўзимиз чизган чизиқлар ичидаги тор ва қоронғи майдонда қолиб кетишдан қутуламиз. Ё ўзимиз қазиган чоҳни янада чуқурлаштирамиз ёки ана ўша чоҳдан Аршга қараб юксаламиз. Бунинг учинчи муқобили йўқ.

Шу куни содир бўлган воқеа, шу киши ишлаб чиққан лойиҳа дея белгилаганимиз ўлчов асносида бизни қийнайдиган ҳиссиётнинг умумий номи ёлғизликдир. Бу ҳолат ҳамма ўзининг дарди билан ўралашиб қолган, буюк уммат бўлишнинг азаматини ҳис қила олмаслигимизнинг ифодасидир. Мўминнинг ҳаётидаги имтиҳонларга бугунги воқеълик билан баҳо беришга ҳаракат қилиш ҳаётини икки минг ўн олти йилдан иборат деб ўйлаганлар тикилиб қолган тор йўлакка ўхшайди.

Кенгроқ доирадан қарасак, минг йилга яқин даврнинг ҳар бир куни ва ҳар бир соатини оғир азоб-уқубатда яшаган ва шу билан бирга инсониятнинг «илк бешлиги»дан жой олган Нуҳ алайҳиссаломни кўрамиз. Жуда қайноқ кунларни бошидан ўтказётганлар, ўша тор жойдан чиқсалар кенг водийдаги ўт қўйилган ўрмоннинг ўртасига отилган, аммо ўзини ёлғиз ҳис қилмаган Иброҳим алайҳиссаломни топишади.

Биз қулоқларимиз турли хабарлар босими остида қолган ҳолатда яшайпмиз. Куфр ва унга хизмат қилаётганлар бизга кўрсатишни режалаштирган нарсаларга асир кўзларимиз бизни бўғиб юборяпти. Олаётган нафасимизни найчаларга улашга ҳаракат қилган Иблис ва инсонлардаги танглик билан ўпкаларимиз орқали ҳаво ўтолмай қолди.

Буларни ўзимиз қилдик. Кераксиз жойларга, тор кўчаларга ўзимизни урдик. Ҳовузларга беҳисоб очилдик.

Тарих сарҳадлари бизга шунча кенглиги билан даҳшатли мисолларни кўрсатмаяптими?

Китобимиз уларни бизга кўзларимиз билан кўргандан кўра аниқ-равшан даражада тушунтириб бермаяптими?

Азиз ва жалил бўлган Раббимиз Аллоҳ қайси қулига мутлақ адолат ва раҳматидан ташқари муомала қилдики, бизга ҳам шундай йўл тутса? У Арҳамар роҳимин бўлган Раббимиз эмасми? Ундан паноҳ сўрагани ҳолда ўз ҳолига ташлаб қўйилган бирон-бир киши борми? Ёки шу пайтгача Унинг имтиҳонларига рози бўлмай туриб раҳматидан паноҳ сўрашни қабул қилдимиз? Илк бошда пайғамбарлари ўлароқ кимга хос муомала қилди, кимни «муаммосиз, ташвишсиз» ҳаёт билан яхши мўмин сифатида қабул этди? Кимни?

Бундан буёғига ишнинг моҳиятини тушуниб олишга мажбурмиз: мулк Аллоҳники. Ишларнинг барчаси Аллоҳнинг измидадир. Дунё ҳаётининг бошидан-охиригача Унинг ҳукмидан ташқари ҳатто арзимас бир воқеа ҳам содир бўлмайди.

Биз эса Унинг бандасимиз.

Мулк Уники, замон Уники, ҳукм Уникидир. Ҳаётни ҳам – қайси биримиз яхшироқ амаллар қилишимизни ажратиб олиш учун яратди.

Кимларнидир вақтни ўз ўлчовларига кўра торайтиришларини, яна

кимларнидир эса ҳаётни Аллоҳнинг қудрати ва азамати узра тушуниб етишларини кўришни хоҳлайди. Қайси биримиз тор тарихда яшашимизни, қайси биримиз тарихнинг узун водийсига элтувчи йўлда юришимизни кўришни истайди. Бу очиқ-ойдин кўриниб турган ҳақиқат. Ушбу буюк ҳақиқатни ҳар куни, ҳар бир воқеликда кўриш мумкин.

Бу замон Аллоҳнинг замони.

Биз эса Аллоҳнинг бандаларимиз.

***Турк тилидан Маҳмуд Маҳкам таржимаси
«Ҳилол» журналининг 3(48) сонидан***